

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусаҳҳиҳ:** Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>Н.Матхошимов, Э.Исаков</b> Фарғона вилояти меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг бирламчи ногиронлиги сабаблари структураси.....	203
<b>А.Шерматов, А.Юсупова</b> Ўқувчиларнинг математика фанидан типик хатолари ва уларни бартараф этишнинг баъзи йўллари.....	210
<b>О.Турсунмуратов, Н.Қутлимуратов, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев</b> Вермикулит асосида олинган ионитнинг физик-кимёвий хоссалари.....	213
<b>Х.Лутфуллаева</b> Тиббиёт талабалари инглиз тилини ўрганиш жараёнида мустақил таълим олиш кўникмалари бошланғич даражасининг экспериментал тадқиқоти.....	217
<b>И.Асқаров, Д.Ҳожиматова</b> Таркибида ферроцен сақловчи суюқ азотли ўғитлар олиш.....	222
<b>А.Шарафиддинов</b> Фарғона водийси қишлоқларида халқ ғалаёнлари (XIX аср охири) .....	226
<b>А.Ғаниев</b> Тадбиркорлик маданиятининг ўзига хос ментал хусусиятлари.....	230
<b>Х.Мухаммедова</b> Шарлотта Бронте ижодида рамзлар тасвири.....	233
<b>Х.Хаитов</b> Фолчи ёки ромчи – кулги асарлардаги ҳажвий қиёфалардан бири.....	236
<b>Г.Умаржонова</b> Тилларда соматик сўзлар иштирокидаги фразеологизмларнинг шаклланиши.....	239
<b>Л.Ғалимуллина</b> Инглиз ва ўзбек тилларида антропонимли фразеологик birlikларнинг қиёсий таҳлили.....	242
<b>И.Аҳмаджонов</b> Морфемик birlikларнинг вазифасига кўра таснифланиши.....	245
<b>М.Саидакбарова</b> Мангуликка дахлдор сўз.....	249
<b>Д.Қаландарова</b> Карл Райхл – ўзбек фольклори таржимони ва тадқиқотчиси.....	252
<b>И.Жўраев</b> Бурч ва масъулиятнинг бадий-фалсафий талқинлари.....	256
<b>Ф.Анварова, Н.Тоирова</b> Жамиятнинг турли табақалари нутқида ишлатиладиган жаргонлар .....	259

УДК: 82/89+809.1+004+371.398

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТНИНГ БАДИИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

ХУДОЖЕСТВЕННО-ФИЛОСОФСКИЕ ТОЛКОВАНИЯ ДОЛГА И  
ОТВЕТСТВЕННОСТИARTISTIC-PHILOSOPHICAL INTERPRETATIONS OF THE DUTY AND  
RESPONSIBILITY**Исломжон Жўраев<sup>1</sup>****<sup>1</sup>Исломжон Жўраев***– ФарДУ, табиий йўналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувчиси.***Аннотация***Мақолада улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги қарашлари, оналарнинг бурч ҳамда вазифалари хусусидаги фикрлари таҳлилга тортилган.***Аннотация***В статье анализируются взгляды великого поэта и мыслителя Алишера Навои на воспитание детей, его мнения о обязанностях и ответственности родителей.***Annotation***The article analyzes the views of the great poet and thinker Alisher Navoi on upbringing of children, the duties and responsibilities of parents in this regard.***Таянч сўз ва иборалар:** *оилавий муҳит, таълим-тарбия, ижтимоий тараққиёт, бурч ва масъулият, анъана, замонавийлик.***Ключевые слова и выражения:** *семейная атмосфера, обучение и воспитание, социальное развитие, обязанность и ответственность, традиция, современность.***Key words and expressions:** *family environment, education, social development, duties and responsibilities, tradition, modernity.*

Халқимизнинг ижтимоий-маданий тарихида оила ва фарзанд тарбияси масалалари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Соҳибқирон Темурнинг оилага муносабати, хотин-қизларга ҳамиша эҳтиромда бўлиши, фарзанд тарбияси билан боғлиқ донишмандона мушоҳадалари ҳам эътиборга лойиқдир. Амир Темур ҳар бир фарзандининг саъй-ҳаракатларини кузатиб борган, аҳли аёлларига маълум эркинликлар берган, ҳатто уларнинг расмий маросимларда иштирокини ҳам таъминлаган. Испан элчиси Клавихо расмий маросимларда Амир Темурнинг суюкли рафиқаси Сароймулкхоним бевосита иштирок этганлиги ҳақида хабар беради. Темурийлар сулоласига мансуб машҳур аждодларимиз ана шу анъаналарга содиқ қолишга, оилавий-маиший турмушга эътиборли бўлишга ҳаракат қилганлар. Чунки ҳар бир халқ ижтимоий тараққиётида оилавий-маиший баркамоллик ижтимоий-сиёсий тараққиётга замин бўлиб хизмат қилган.

Оилавий муносабатлар ва фарзанд тарбияси мавзуси жаҳон маданияти ва сўз санъати тарихида ҳам қадимдан ўз аксини топиб келган. Жумладан, ўзбек халқининг улуғ фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижоди бундан мустасно эмас. Унинг адабий меросида ана шу мавзуга алоқадор таъсирчан, маънавий-тарбиявий аҳамиятга молик асарлар салмоқли ўрин тутди. Бу асарлар мавзу кўлами жиҳатдан ҳам ранг-барангдир. Уларда ота-онани ҳурмат қилиш, камгаплик, камтаринлик, сахийлик, умум манфаати йўлида хизмат қилиш, одоб, илму ҳунарга интилиш, ростгўйлик, тўғрилиқ, дўстга садоқат, тотувлик сингари ўнлаб яхши инсоний фазилатлар улуғланади. Шу билан бирга, ота-онанинг ҳам фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва вазифалари юксак бадиият, умумбашарий ғоялар асосида батафсил ёритилган.

Аввало, Алишер Навоийнинг ўзи амалий фаолияти билан ҳам, ўлмас ижодий мероси билан ҳам ёш авлод тарбиясига улкан ҳисса қўшган. Унинг асарлари асрлар

давомида мактаб ва мадрасаларда ўқув қўлланма сифатида фойдаланилганлиги бежиз эмас. Гап шундаки, улуғ шоир тарбия жараёнини панд-насиҳатлар билангина такомиллаштириш мумкин эмаслигини яхши англаган. У, аввало, ота-она ҳамда фарзанднинг, мураббий билан тарбияланувчининг ҳуқуқ ва бурчларини аниқ белгилаб берган ва бадиий ифодалаган. [2,116]

Биргина “Ҳайрат-ул аброр” достонининг олтинчи мақолоти фикримизнинг яққол далили бўлиши мумкин. Энг муҳими, муаллиф ушбу мақолотда фарзанднинг оиладаги тарбиясига алоҳида эътиборни қаратади. Отанинг, онанинг, фарзанднинг ўрни, бурч ҳамда ҳуқуқлари ҳақидаги қарашларини дастурий баён этган.

“Бола бошдан” деган нақл бор. Шундан келиб чиқиб, Алишер Навоий ота-оналар олдига, жамоатчилик олдига муҳим тарбиявий талаблар қўяди. “Ёш болага

нисбатан энг зарур иш, билки, уни мурғаклигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф тарбия қилганлиги учун (у дурга айланиб), одамларнинг бошига чиқиб, шараф топди”. Достон муаллифи фикрини давом эттириб, яна шундай дейди: “Отананинг муҳим вазифаларидан бири болага яхши от қўйиш бўлиб, унинг номини айтиб чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак”.

Шундан сўнг Навоий шарқона таълим-тарбиянинг асосий хусусиятларини бадиий ифодалашга киришади: “Ота-она олдидаги тарбияга оид яна бир бурч унга илм-тарбия ва адаб ўргатишдир. Ит махсус ўргатилиб, таълим олганлиги сабабли у тишлаб келган ов ҳалол саналади. Ювинтирган билан пок бўлмайдиган итки бирор соҳада кўникма ҳосил қилган экан, инсон фарзанди бўлган боланг билимсиз, уқувсизлигича қолиб кетса ачинмайсанми”, дея мурожаат қилади шоир:

***Улча эрур тифлға шоиста иш –  
Билки кичикликдин эрур парвариш.***

***Қатраға чун тарбия этти садаф –  
Эл бошиға чиққуча топди шараф.***

***Бириси қўймоқлик эрур яхши от,  
Ким десалар етмагай андин уёт...***

***Итга тааллумда чу бўлди камол –  
Сайд анинг оғзидин ўлди ҳалол.***

***Олим ул итким нажасул айн эрур,  
Ўғлингга жаҳл ўлса ажаб шан эрур... [1. 73]***

Фарзанд ота-онанинг меҳр-шафқатига, ҳимоясига муҳтождир. Бинобарин болага шафқат қилиш, меҳрибонлик кўрсатиш фойдали, аммо болани ортиқча талтайтириш зарардир.

***Тифл учун қўпмоқ эмасдур адаб,  
Пирлар ул ишни демасдур адаб.***

***Ул мутаккабир ўлуру сен енгил,  
Бу ики иш эл нега қилғай дегил.***

***Гарчи адаб шарти бағоят керак,  
Ҳар киши таврида риоят керак... [1. 72]***

Дарҳақиқат, меъёридан ортиқ эркалаш боладаги мустақилликка интилишни сўндиради, уни ожиз ва нотавон қилиб қўяди. Бола оддий қийинчилик ёки машаққат олдига ҳам эсанкираб қоладиган бўлади. Яхши-ёмон ишларидан хабардор бўлиб туриш, ўрнида ғамхўрлик ва тўғри йўл кўрсатиш, лозим нарсаларни тушунтириб

бориш ҳам таълим-тарбияга оид бурчнинг муҳим талабларидан биридир. Алишер Навоийнинг шу сингари қарашлари бизнинг давримиз учун ҳам долзарблигини йўқотмаганлиги таҳсинга лойиқ.

Улуғ шоир ўз фикрларини давом эттириб, ёзади: фарзандлар олдигаги бурчлардан бири эса ота-онани ҳурмат

қилишдир. Буни адо этиш фарзандлар учун мажбурият даражасида бўлмоғи лозим. Отанангни туну кунингга нур бериб турувчи ой

**Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмни қил садқа ано бошига.**

**Икки жаҳонингга тиларсен фазо,  
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.**

**Туну кунингга этгали нур фош  
Бирисин ой англа, бирисин қуёш... [1,73]**

Алишер Навоий шарқона тарбия хусусида сўз юритар экан, бу борадаги қарашларини муқаддас ҳадислар билан ҳам асослайди ёки улар орқали ўз асарларини ичдан нурлантиради.

“Хамса” муаллифи “Ҳайрат-ул аброр” да белгиллаган таълим-тарбия дастурига кейинги дoston қаҳрамонларини ҳам қатъий амал қилдиради. Фарҳод тахтга ўтириш ҳақидаги отасининг таклифини одоб билан рад этади. Саҳрода Лайли ишқида куйиб-ёниб юрган Қайс онасининг касаллигини эшитиб, ақл-хушини йиғади ва бемор хузурига етиб келади. Жаҳонни забт этган Искандар умри ниҳоясида онасининг хизматини қилолмаганидан надомат чекади ва ҳоказо.

Диққатга сазовор ери шундаки, Алишер Навоий одоб-ахлоқ ҳақидаги умумий гаплар билан чекланиб қолмайди, насиҳатбозликка берилмайди. Аксинча, одоб-ахлоқ талабларини изчил баён этиб, майда

ва қуёш деб билгин, дея хитоб қилади Навоий:

тафсилотларгача аҳамият беради. Айтайлик, кичиклар катталарга жой бериши фарздир, аксинча, катталар кичикларга жой бўшатиши ноўрин ҳолдир. Ёки бўлмаса, қўл остидагиларга ғамхўр бўлиш, уларга меҳрибонлик кўрсатиш ҳам одоб талабларига киради. Катталарга иззат, кичикларга шафқат кўрсатиш керак, деган хулосага келади шоир.

Инсоннинг ўзини таниши, ўзлигини англаши, аввало, оилавий-маиший муҳитдан бошланади. Бу жараёнда падари бузрукворларнинг, волидаи муҳтарамаларнинг ўрнини ҳеч ким босолмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам инсониятга Алишер Навоийдек даҳо фарзандларни тўхфа этган мўътабар оналар, донишманд оталар юртимизда ҳамиша юксак эҳтиром ҳамда меҳр-муҳаббатга сазовор бўлганлар. Бу анъана Истиқлол шароитида янада бардавом бўлаётганлиги бизни ғурурлантиради.

#### Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Хамса. Ҳайрат-ул аброр. – Т., 1960.
2. Алишер Навоий “Хамса”си. (“Хамса”нинг 500 йиллигига бағишланган тадқиқотлар тўплами. – Т.: Фан. 1986.
3. Маллаев Н. Навоий ижодининг халқчил негизи. – Т., 1970
4. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т., 1979
5. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т., 1969
6. Қаяюмов А. Алишер Навоий. – Т., 1991

(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори)